• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

# „Ўзбекистон-Ватаним менинг" конкурсига

# ШУ КУНЛАРНИ ЎЙЛАГАН ИНСОН

• ТАРИХИЙ ОЧЕРК •

## НОЗИК САВОЛ

— Тоға, бир саволим бор эди.
— Қани, эшитайликчи, жиян?
— Жадидлар мафкураси ҳақида. Ўзи улар нима истаган?

У ҳовли ўртасида қийғос гуллаган гилосга термулганича ўйланиб қолди. Кейин гулдан-гулга кўчиб, ғужғон ўйнаётган асалариларидан кўз узмай, оҳиста жавоб қилди.

— Биласанми, Ҳибзиддин, жадидлар ҳам худди ҳозиргидек ҳаётни исташган. Лекин бунга бошқачароқ йўл билан эришишни ўйлашган.

— Ўша йўл қандоқ эди?

... У СТАЛИН билан учрашувларини эслади. 1917 йил ёзида Россия шўроларининг 1 қурултойида Россия мусулмонлари марказий кенгашининг аъзоси сифатида большевиклар фирқаси раҳбарлари билан Туркистон тақдири масаласида анча тортишгани ёдига келди. Сталиннинг ғоявий баҳс, мантиқий тортишувларда мулоҳазакор эмаслиги ва қизиққонлик билан мунозара одобидан чиқиб кетишини яхши ҳис қилган эди. Кейинги йиллардаги учрашувларда ҳам буни бир неча бор сезган. РСФСР Миллатлар халқ комиссари Сталин сўнгги суҳбатда тикондек нигоҳини қадаб айтган сўзларини ҳам унутолмайди:

— Сиз жуда хавфли шахс экансиз, Убайдулла Асадуллахўжаев. Мен сизни эслаб қолишга ваъда бераман.

Доҳийнинг бундай киноя аралаш заҳархандасини у кейинроқ, ўз тақдирида, бошига тушган савдолардан англади. Қамоқлар, сургунлар давомида обдон мағзига етди. У аввал ҳам, ҳозир ҳам алоҳида «хавфли» шахс экан.

## АЛОҲИДА ХАВФЛИ ШАХС

Кавалерия генерали Самсонов ҳузурига ташриф буюрган полковник Волковга саволомуз нигоҳ ташлади.

— Ноўрин ташрифим учун узр, ҳазрати олийлари, — деди Волков. — аммо бир муҳим зарурат мени шунга мажбур этди.

— Қулоғим сизда, Михаил Николаевич, — деди генерал.

Самсонов ўлкадаги сиёсий идора бошлиғи Волковнинг сўзларини тинглаган сари чеҳраси жиддийлашиб борарди.

— Убайдулла Асадуллахўжаев Тошкент мужоҳидлари сардоридир, ҳазрати олийлари. Сиз унга газета очишга рухсат бериб, чакки иш қилдингиз. Империя учун алоҳида хавфли шахс сифатида уни ҳисобга олганман. Ҳар қадами кузатувда.

Туркистон генерал-губернатори Самсонов алоҳида жандармлар корпуси полковниги Волков узатган шахсий ишга кўз югуртирди. Унда Тошкент округ судида хусусий ишончли вакил бўлиб ишловчи ўзбек адвокати Убайдуллахўжанинг таржимаи ҳоли, дўстлари ва дунёқарашига оид муҳим маълумотлар жандарм изқуварига хос изчиллик билан ёритилган эди:

«Убайдулла Асадуллахўжаев 1882 йилда Тошкентда боғбон оиласида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган. Тилмоч сифатида округ суди идорасида ишлаган, рус судьяси билан Саратов шаҳрига кетиб, ўша ерда адлия бўйича олий маълумот олган. Тиришқоқ, зеҳни ўткир. Дунёқараши кенг.

**1909 йилда Ясная Полянадан унга Лев Толстойнинг хати келгани ҳам диққатга лойиқ. Граф Толстой унинг мактубига жавоб йўллагани Убайдуллахўжанинг ноёб истеъдодидан далолатдир.**

1913 йилда Тошкентга қайтган. Хусусий ишончли вакил Чарковскийга ёрдамчи сифатида Тошкент округ судида ишлай бошлаган. Ҳозир у мустақил адвокат бўлиб, бир неча суд жараёнларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Мижозлари ўртасида катта обрў қозонган. Империя қонунчилигини пухта билади. Асосий ишдан ташқари у ғоявий маслакдошлари жадидлар билан бирга ерли аҳоли ўртасида тарғиботчилик ишларини кенг йўлга қўйган. Тошкент эски шаҳрида унинг ғайрати билан китоб савдоси ташкил этилган. Тараққийпарвар ёшлардан иборат «Умид» мусулмонлар ташкилотига раҳбарлик қилади. Унинг энг яқин маслакдош дўсти — 1901 йилдан сиёсий идора рўйхатида турувчи Мунавварқори Абдурашидхоновдир. 1905-1907 йилларда сўл йўналишдаги «Тараққий», «Хуршид» ва «Шуҳрат» каби газеталарни нашр қилган Абдурашидхонов билан бирга янги усулдаги мактабларни ташкил этган. Маҳаллий ёшларни Туркияга ва Германияга юбориш мақсадида «Жамияти хайрия» тузган. Убайдуллахўжа адвокат мавқеидан фойдаланиб, жадидларнинг маърифат билан ниқобланган, лекин аслида империя тузумига қарши ташвиқот юргизувчи «Турон» жамиятини қонунан тасдиқлатиб рўйхатдан ўтказган. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби таниқли жадидлар аъзо бўлган бу жамият ерлиларнинг биринчи театрини ташкил қилишмоқда».

— Чиндан ҳам бу зот хавфли экан, Михаил Николаевич, — деди Самсонов қоғозлардан бош кўтариб. — Хўш, қандоқ таклифингиз бор?

— Сартларда, деди маънодор кулиб полковник Волков, — шундай мақол бор: Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Газета очишга рухсат бергансиз. Аммо босмахонага эмас, Александр Васильевич. Сиз мазкур газетани босмаслик ҳақида барча босмахоналарга кўрсатма беринг.

— Шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди денг — кулди Самсонов. — Айтинг-чи, Михаил Николаевич, бу жадидларнинг мақсади ва ғояси ўзи нима? Улар биз учун хавфлими, чиндан?

— Ҳа, — бош ирғади Волков, — полиция департаменти улар билан жиддий шуғулланмоқда.

Генерал-губернаторнинг чеҳраси жиддийлашди.

— Жаноб полковник, — деди у сергак тортиб, — жадидларнинг ҳар қадамидан огоҳ бўлишни давом эттиринг.

— Худди шундай, ҳазрати олийлари, — деди ғоз қотиб Волков, — кетишга ижозат беринг.

Самсонов унинг орқасидан ўйчан кузатиб қолди. Сўнг подшога тайёрлаётган ахборотини давом эттирди.

— Собит эътиқодли мусулмонлар онгида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Биз яқин келгусида империя учун таҳликали воқеалар бўлиши мумкинлигидан далолат берувчи маълумотлар олмоқдамиз...

## МУХТОР ВАКИЛ

1916 йил август кунларининг бирида Андижон вокзали фавқулодда гавжум бўлиб кетди.

— Яшасин Хўжаев! Яшасин Чайкин! Юзлаб одамлар шундай хитоб ила вагондан эндигина тушган икки кишини қўлларига кўтариб, шаҳар бўйлаб Дума биноси томон олиб кетишди.

Қатор извошилардан бирида ўтирган полковник Волков бу манзарани синчковлик билан кузатарди. Сиёсий разведка раҳбари Петроградда олган махфий ахборотдан шуни билдики, жадидлар ўз мақсадларига эришган. Давлат Думаси Туркистон ўлкасидан марказга вакил қилиб жўнатилган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва журналист Вадим Чайкин ахборотига асосланиб Туркистон амалдорлари фаолиятини текшириш учун комиссия тузибди. Керенский, Таваккалов, Раевский, Виноградов каби Давлат Думаси аъзолари Тошкентга юборилибди. Жадидлар талаби бўйича Давлат Думаси императордан Туркистондан мардикор олиш муддатини узайтиришни илтимос қилибди ва бу илтимос қондирилибди. Маҳаллий аҳоли ғалаёнларини бостиришда қонунга зид ишлар қилган амалдорларни жазолаш ҳақида ҳам ҳарбий вазирдан рухсат олинибди. Мана шунинг учун ҳам халқ ўз вакилларини кутламоқда.

«Садои Туркистон» газетаси ёпиб қўйилгандан кейин Андижонга келган Убайдуллахўжа адвокатликдан ташқари «Туркистанский голос» газетасида ҳам журналистлик қила бошлади. У Тошкент билан Андижон ва Қўқон жадидларини бирлаштирувчи ташкилотни вужудга келтирди.

Волков жадидлар орасидаги махфий агентларидан олган ахборотлардан шуни биладики, бу ташкилотнинг бош ғояси «ёш турклар»га тақлид қилишдир. Туркистон халқларига сиёсий ва ички эркинлик беришдир. Улар ҳозир Россия билан урушаётган Туркия фойдасига ишлашмоқда. Истамбулга моддий ёрдам юборишдан ташқари Туркистонга жўнатилган минглаб турк ҳарбий асирларига ғамхўрлик қилишмоқда. 1916 йил 25 июндаги подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши кўтарилган ғалаёнларда жадидлар бевосита ва билвосита раҳбардир. Улар эндиликда аҳолига кескин чоралар кўрган рус амалдорларига қарши Петроград юборган комиссияни қайрашаётгани аниқ.

## ИШОНЧ ВА НАЗОРАТ

Туркистон ўлкасига янги тайинланган генерал-губернатор А. Н. Куропаткин Тошкентга Давлат Думаси комиссияси билан биргаликда келди. У марказда ишлаган режага кўра жадидларни ўзига яқинлаштирди. Ўлка бўйлаб комиссия аъзолари билан айланишда у жадидлар етакчиси Убайдуллахўжани дала штабига таржимон қилиб тайинлади. Убайдуллахўжа жабрланганлар аризаларини қабул қиладиган ва зарур ишлар юзасидан генерал-губернаторга ҳужжатлар тақдим этадиган масъул амалдорга айланди.

Империяга мардикорлар керак эди. Сафарбарликни тинч йўл билан амалга оширишда эса эътиборли шахслар зарур бўлади. Куропаткин мардикор олиш ишини бевосита шу маҳаллий аҳолининг таниқли арбоблари воситасида амалга оширишни лозим топди. Шу мақсадда вилоятларда мардикорликка сафарбарлик билан шуғулланувчи «Ерлилар қўмитаси» тузилди.

Генерал-губернатор Сирдарё вилоятининг шундай қўмитаси раислигига Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевни, муовин этиб эса Мунавварқори Абдурашидхоновни тайинлади. Куропаткин бир кесак билан икки қуённи уришни ўйларди. Мардикорлар масаласини ҳал қилиш ва жиддий рақиб-жадидларни халқ ўртасида обрўсизлантириш, русларнинг хизматкорлари сифатида ёмонотлиққа чиқазишни кўзлади.

ЖИЗЗАХ ҚЎЗҒОЛОНИНИ шафқатсиз бостирган жазо отряди қўмондони полковник П. Иванов бўлса шахсан жадидлар устидан тергов бошлади. У Убайдуллахўжа фаолиятини қадамба-қадам 165 варақдан иборат маърузаномасида текшириб борди. Генерал-губернаторга Убайдуллахўжа ва унинг сафдошларини қоралаб шундай ёзган:

— Хўжаев Тошкентдаги энг яхши меҳмонхонадаги икки хонани эгаллаган. Улардан бирида у бутун ўлкадан келган ерлиларни қабул қилмоқда. Шахсан ўзим унинг аризачиларни қабул қилганининг гувоҳи бўлдим. «Национал» меҳмонхонаси унинг қабулини кутаётган ерлиларга тўлиб кетган эди. Хўжаев улар кўз ўнгида улкан ваколатга эга амалдорлик бўлиб, ерлилар барча аризаларини унинг номига йўллайдилар.

Куропаткинни шундай огоҳлантиришди:

— Агар бу жамият жазосиз қолаверса даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жиловини уларга бериб қўяди.

Генерал-губернатор жадидлар фаолияти ҳақида ўзгача фикр юритган Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори ахборотига ҳам эътибор берди:

— «Ерлилар қўмитаси» ишининг бутун оғирлиги Хўжаевнинг елкасида турибди. Уни қўмитадан кетиши бу катта ишнинг белига тепади, деган фикрдаман. Бугун ҳузуримга келган қўмита аъзолари ҳамда бошқа эътиборли зотлар менга Хўжаевга тўла ишонч ва ҳурмат кўрсатишларини алоҳида уқтириб кетишди.

Убайдуллахўжа одамларнинг бундай ҳурмат-эътиборига ўзининг адолатли иш юритиши билан эришди. У рус амалдорлари билан муроса қилишга мажбурлигини сезган ҳолда иложи борича ўз ваколатларидан мардикорлар аҳволини яхшилашга интилди. Уларга тўланадиган пул миқдори, оилаларга ёрдам ва фронт ортидаги ишда мардикорлар таъминотини йўлга қўйиш ва мустамлакачилар бебошлигига чек қўйишда жонбозлик кўрсатди.

Куропаткин бу ҳолатни илғади. У жадидлар орқасида нуфузли савдо-саноат ва тижорат аҳли турганни ва уларга халқ хайрихоҳлигини тушунган учун эҳтиёткор иш тутди. Сиёсий полицияга жадидлар орқасидан махфий назорат ўрнатиш ва уларнинг ҳар қадамидан огоҳ бўлишни буюрди.

## МАРКАЗНИНГ ЎЗ ФИКРИ

Сиёсий разведка раҳбари полковник Волков генерал-губернаторнинг порахўр рус амалдорларининг ишдан бўшатишини қизғин қўллаб-қувватлади.

— Ерлиларнинг жиловини қўлдан чиқараяпмиз деган маъмурият вакиллари қаттиқ янглишади, — деб ёзган Волков — Куропаткинга. — 50 йил муқаддам забт этилган ўлкада биз бўйсундирилган осиёликларнинг учинчи авлоди билан тўқнашмоқдамиз. Бу авлод рус фуқаролиги берадиган афзалликларни англаган. Улкан Ўрта Осиё мулкларида олий ҳокимият истак-хоҳишидан қатъи назар миллатларнинг ўзаро маданий яқинлашуви давом этмоқда. Айбдор маъмурларнинг ишдан олиниши эса рус маҳаллий миллатлар яқинлашувидаги тўсиқларга барҳам беражак, — деб уқтирди.

Полковник Волков Убайдуллахўжа ва унинг маслакдошлари фаолиятига алоҳида тўхталиб, жадидлар рус инқилобчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик мавжудлиги ва бу ҳамкорлик «Туркистанский голос» газетаси фаолиятида яққол акс этишини биларди.

— Бош мақсади маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган «Туркистанский голос» газетаси, — деб ёзади Волков — ўзининг пайларидан кўпини Қўқон шаҳридаги «Ғайрат» деб аталмиш маҳаллий мусулмон маърифатчилар жамиятига жойлаштирди. 1916 йил 9 октябрда Обиджон Маҳмудов уйида «Ғайрат» жамияти аъзоларининг хусусий иккинчи мажлиси бўлган. Унда Қўқонда хусусий босмахона очиб, сарт тилида газета чиқариш масаласи муҳокама қилинган. Бой сартлар бу тадбирга маблағ бериш ҳақида розилик билдиришган. Бу ишда Обиджон Маҳмудов салмоқли таъсирга эгадир. У бой мулкдор айёр ва тадбиркор киши.

Волков жадидлар билан ҳамкорлик қилувчи эсер Иван Зубарев, Давид Чернобородов, Моисей Бердичевскийлар социал-демократ Шоислом Султон Шаҳмедов бошчилигидаги янги «Туркистанский край» газетаси очишгани, пулни эса Қўқон биржа қўмитаси берганини ва шу кунларда жадидлар ғоясини тарғиб қилувчи нашрлар кўпайганидан ташвишни яширмайди. Сиёсий разведка раҳбари жадидлар ва инқилобчиларнинг мавжуд тузумга қарши курашдаги биродарлигига тўхталиб шундай хулоса қилади:

— Бу биродарлик фаолияти доираси шундайки, бу билан доим ҳисоблашишга ва унга сиёсий полиция ҳамиша кўз-қулоқ бўлишига тўғри келади.

Убайдуллахўжа. Мунавварқори илғор рус демократияси билан ҳамкорликда Петроградда IV Давлат Думасининг 13 декабрь сессиясида рус мустамлакачиларининг 1916 йил миллий-озодлик қўзғолонини бостиришдаги қонхўрлиги ва адолатсизлигини фош этишгани ҳам Волков хулосасини тасдиқлади. Жадидлар материаллари асосида Дума ноиблари Мансуров ва Жаъфаров рус амалдорларининг минглаб бегуноҳ одамларни ўлдиришгани, қишлоқларнинг кулини кўкка совуриб қилган ваҳшийликларини барча афкор оммага ошкор этишди.

## ХАЛҚ ВАЗИРИ

1917 йил февраль инқилоби Убайдуллахўжанинг фаолиятида юксак нуқтага айланди. У Бутунроссия мусулмонлар кенгаши аъзолигига сайланди.

1917 йил ёзида Бутун Россия мусулмонларининг иккинчи қурултойида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Туркистон истиқлоли ҳақида маъруза қилиб подшо давридагидек вақтли ҳукумат замонасида ҳам русларнинг мустамлакачилик сиёсати ҳанузгача давом этаётганига тўхталди:

— ҲОЗИРГАЧА ТУРКИСТОН, деди Убайдуллахўжа, — рус капиталистлари учун говмуш сигир вазифасини ўтаб келмоқда. Бугунги Туркистон Россиянинг асосий пахта етказувчи ўлкасидир. Уришгача бўлган даврда 1 пуд Америка пахтаси Россия томонидан 18 сўмга сотиб олинарди. Ҳозирда барча моллар нархи уч баробар ошган маҳалда Туркистоннинг ҳар пуд пахтаси Россияга 7-10 сўмдан келтирилмоқда. Ҳолбуки, унинг нархи камида 20 сўм бўлиши керак эди. Демак, Туркистон пахтакорлари ҳар пуд пахтадан 10-12 сўм зарар кўрмоқдалар. Агар Туркистонда йилига 10—12 миллион пуд пахта етиштирилаётган бўлса, демак пахтакорларимиз ишлаган 100 миллион сўм тўғридан-тўғри рус капиталистлари ҳамёнига келиб тушмоқда.

Убайдуллахўжа Россия Туркистон учун олган мажбуриятларини бажармаётганини ҳам уқтирган. Пахта эвазига дон етказиш ишида ҳам бетайинликларни алоҳида таъкидлаган.

Ана шундай фаолият Убайдуллахўжага халқ ишончини мустаҳкамлади. 1917 йил ноябрида ўлка мусулмонлари IV фавқулодда қурултойида у Туркистон мухторияти ҳукумати хавфсизлик хизмати вазири этиб сайлангани ҳам бежиз эмас эди. У Туркистон истиқлоли учун дастлаб подшо, сўнг большевик мустамлакачиларига қарши изчил курашди. 1918 йил февралидан кейин, Туркистонда бошланган фуқаролар урушида у миллий-озодлик курашчилари сафидан жой олди.

## АСОГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Узоқ сургундан сўнг, олис шимол ўлкасидан бетобланиб қайтган Убайдуллахўжа қадрдон дўсти Мунавварқори отилгани, Вадим Чайкин қамалгани ва шундай қисмат Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат бошига тушганини эшитиб, шундай деди:

— Мен аждаҳо комидаман. У истаган маҳал мени ўз домига тортади.

Ҳибзиддин ўйга чўмган тоғасининг маъюс чеҳрасига қараб ана шу сўзларни эслади.

— Қара, қандай бахтли бу жонзотлар, — деди Убайдуллахўжа гилос шохларида гулдан-гулга қўнаётган асалариларига кўз тикиб, — улар сиёсат нималигини билишмайди.

Убайдуллахўжа жияни келтирган чойдан хўплади. Ҳибзиддин унинг нимадандир хавотирланаётгани ва кимнидир кутаётганини сезди. Эшикнинг бехосдан тақиллаши ва аллакимнинг дағал овози эшитилди.

— Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев!

Ҳибзиддин эшикни очганда номаълум тўрт кишини кўрди. Улар тўғри тоғаси ўтирган супага боришди.

— Мен тайёрман, — деди Убайдуллахўжа уларга қараб ўрнидан қўзғалар экан.

НКВД ходимлари бир-бирларига ажабланиб боқишди. Бу одам бошқа ҳибсга олинадиганларга ўхшаб довдирамади, рангидан қони қочиб эсанкирамади. Шовқин-сўрон, йиғи-сиғи ҳам, эътирозу пўписалар ҳам, ялинишу-илтимослар ҳам бўлмади.

Убайдуллахўжа шахдам одимлар ташлаб, эшик томон юрди.

— Тоға! — кимнингдир аянчли хитобидан у орқага ўгирилди.

— Ҳассангизни қолдираяпсиз, тоға, — деди Ҳибзиддин

Убайдуллахўжа жилмайиб, жиянига боқди. Унинг намланган кўзларига қараб, оҳиста деди:

— Кераги йўқ, Ҳибзиддин. У ёқда асога ҳожат йўқ.

Чекистлардан бири папирос тутатиб, ҳамроҳларига луқма ташлади.

— Тажрибаси зўрга ўхшайди, бунинг.

— Бўлмаса-чи, — деди улардан бири, — бу зот Қўқон мухториятидан разведка бошлиғи эди.

— Ўта хавфли шахс.

Убайдуллахўжа ўзи тарк этаётган ҳовлига, қийғос очилган гилосга нигоҳ ташлади. Энди на жияни, на ҳовлини кўриш унга насиб бўлмаслигини яхши биларди. Уни соғ қўйишмаслиги аниқ.

— Алвидо, жиян!

Рўй берган воқеадан довдираб қолган Ҳибзиддин тоғасининг ортидан хомуш термулиб қолди. У тоғасини ўша аждаҳо ўз домига тортганини тушунган эди. Талаба йигитнинг қалбига қўрқув, танасига эса қалтироқ югурди. Орадан узоқ йиллар ўтгач, у бу воқеа моҳиятига етади. Тоғасининг сўнгги кунлари ҳақида журналист сифатида хотира ёзади. Ҳибзиддин Муҳаммадхонов Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан сўнг 1938 йил баҳорини эслаб, «Убайдуллахўжа ким эди?», сарлавҳаси остида мақолани юракдан эзилиб ёзди.

Абадият сари сўнгги қадамини ташлаган тоғаси сиймосини эслаб истиқлол қурбонларини ёд этди.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

---

## ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### АНДИЖОН ТИКУВ МАШИНАСИ

**Андижонда саноатнинг янги тармоғи пайдо бўлди. Оқёр техника таъмирлаш заводи қошида Туркия билан ҳамкорликда қўшма корхона қурилди. У жуда тез фурсатда барпо этилди. Жиҳозларнинг асосий қисми Туркиядан келтирилди.**

Муҳандис-конструктор Иброҳим Сочиқ бошлиқ Туркиядан келган бир гуруҳ мутахассислар оқёрлик таъмирловчилар билан ҳамкорликда пухта ва аниқ иш олиб бориб, Марказий Осиёда биринчи тикув машинасини Андижонда яратдилар.

— Қўшма корхонага б[illegible] томонимиздан 69 фоиз ма[illegible]лағ сарфланди, — дейди корхона президенти Х. Н. Ҳакимов, — ҳаражатнинг 31 фоизи эса туркиялик ишбилармонлар ҳисобидан бўлди. Андижон муҳри босилган тикув машиналарининг тенг ярми жаҳон бозорига чиқарилади.

Ҳозир Андижонда тикув машинасининг корпусигина тайёрланяпти. Унинг электр моторлари «Электродвигатель» заводида, бошқа баъзи деталлари эса Оқёр заводининг ўзида ишлаб чиқарилади.

Қўшма корхона тўла ишга туширилгач, йилига жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган 60 минг дона тикув машинаси ишлаб чиқарилади. Бу машиналарнинг яратилиши фақат фойда келтирибгина қолмай, балки иқтидорли чеварларнинг кўпайишига ҳам катта йўл очади.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

### «ТОНГ»НИНГ ТОНГИ ЕРИШДИ

**Қадимий Бухорода шундай номда фирма бор. У сифатли кенг истеъмол буюмлари билан аҳоли ўртасида шуҳрат қозонмоқда.**

Бундан бир йилча муқаддам фирма саноат-педагогика билимгоҳларида ўз цехларини очди. Талабалар бу ерда ўқишдан бўш вақтларида турли буюмлар тайёрлашяпти. Ёшларда касб малакаси ҳосил бўляпи, айни пайтда уларнинг моддий таъминоти яхшиланмоқда. «Тонг» билан ҳамкорлик йил давомида бир миллион сўм даромад келтириши кўзда тутилмоқда.

Нусратилло НАИМОВ.

### СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ

**Айрим ҳамдўстлик мамлакатларидаги санаторий ҳамда дам олиш масканларининг йўлланмаларигина эмас, ҳатто йўлкира ҳақлари ҳам осмону фалакка чиқиб кетганлиги минглаб фуқароларнинг чўнтагига тўғри келмай қолди.**

Гурлан район ҳокимияти ана шуни ҳисобга олиб, меҳнат аҳли учун қулайлик яратиш — район марказининг ўзида даволаш-соғломлаштириш маскани бунёд этишга қарор қилди. Пахта тозалаш заводи жамоаси жумҳуриятлараро Қиличбойарна каналининг хушманзара соҳилида қура бошлаган, ярим тикланган бино бўлғуси даволаш-соғломлаштириш маскани учун асос қилиб олинди. Хўжаликлар, ўнлаб корхоналарнинг жамоалари, шунингдек, минглаб фуқаролар ўзлари даволанадиган санаторий-профилакторий қурилиши учун ҳайрия қилган маблағ қисқа фурсатда бир неча миллион сўмдан ошиб кетди.

Қурувчилар бу масканни кузгача фойдаланишга топширишмоқчи.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

---

## • МУТАХАССИС ЕТАРЛИ, АММО...

Давлат тили ўзбек тили эканлигини ҳамма билади. Бироқ, бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолгани йўқ десам, энсангиз қотмасин. Масалан, бизнинг Газли шаҳрида.

Тез-тез бизда мутахассислар етишмайди, деган таъналар эшитаман. Нега ёлғон гапириб, ўзимизни-ўзимиз алдаймиз, ахир! Мутахассис етарли, фақат тўла-тўкис ўз тилимизга ўтишимиз зарур, холос.

Мен ва турмуш ўртоғим 26 йилдан буён газ соҳасида мутахассисмиз. Шу орада қанча-дан-қанча олий маълумотли ҳамкасбларимиз Газлида бир муддат ишлаб кетишди. Чунки, бу ерда ўзбекча биронта мактаб йўқ. Иккинчидан иш юз фойиз рус тилида юритилади.

Мутахассис керак бўлса, энг аввало бу ерда алоқа бўлими ишини ўзбек тилида олиб бориш керак. Барча идораларда иш юритиш тўла Давлат тилига ўтмас экан мамлакатимиз ривожланмайди. Чунки, ўзбек тилини тан олмайдиганларнинг ҳаммаси чемодан устида ўтирибди. Истаган нарсаларини юртига жўнатишяпти. Божхона бор дейсизми, хўш, чўл камми! Чўлда эса эгри йўл камми!

Эҳтимол, мактубим эътиборсиз қолар. Чунки, адолат-адолат деймизу ҳаммамиз ҳам уни ҳимоя қилишдан чўчиймиз...

М. ХЎЖАЕВА, муҳандис.

---

• *Чорва қишлови*

## ТЎРАҚУЛОВНИНГ БАШОРАТИ ТЎҒРИ ЧИҚМАСИН-ДА...

Январь ойининг сўнгги кунларидан бирида бир гуруҳ раҳбарлар Қизириқ район ҳокимиятида тўпланишиб, шу районда чорвачилик тармоғининг аҳволини муҳокама қилишди. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг раиси Абдуназар Тўрақулов муҳокамада гапириб, ишонч билан айтаманки, агар иш бугунги тарзда давом этаверса беш-олти йил ичида Қизириқда чорвачилик ўзидан ўзи барҳам топиб кетади, деб башорат қилди.

Тўрақулов ўнгу-чапига қараб олиб гапирадиган одам. Айниқса, бирон башоратнома гап айтишдан аввал кўп қоғозларни титиб кўради. Шундан билса бўладики, унинг бу башорати беҳудага айтилмади: районда бу муҳим тармоқнинг кейинги йилларда ранги ўчиб боряпти. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш камайиб кетаётир. Мол туёқ сони сийраклашиб бораётгани айниқса ташвиш уйғотяпти.

— Районда чорва моллари чиқими кўп, харом ўлиб қолиши кўп, — дейди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси масъул ходими Г. Бондаренко. — Масалан, ўтган йили районда 1250 бош майда мол чиқим бўлган. Бу жами сурувнинг 20 фоизидан ортиқ. Биргина шу, январь ойида 140 бош совлиқ сўйилган. Хўжаликларнинг ички эҳтиёжларига сўйилган қорамолнинг тирик вазни ўртача 282 килограмм қилиб кўрсатилган. Янги йилдан бошлаб аҳволнинг ўнгланишига кўзимиз етмаяпти: гўшт, сут, тухум етиштириш ҳамон режада белгиланганидан кам. Бу нарса районда чорва қишловини ўтказиш ёмон ташкил этилаётганини билдиради.

Шу ўринда Г. Бондаренко районда «Кунчиқиш» деб аталадиган давлат хўжалигига кўпроқ тўхталди ва хўжалик раҳбарлари чорвачилик деган соҳа борлигини унутиб қўйганга ўхшайди, деган хулосани айтди.

Деҳқончилик саноати уюшмаси камчиликлар ҳақида башорат қилиш билангина эмас, балки аввало ишни яхшилаш учун амалий ёрдам кўрсатиш билан ҳам шуғулланса, айни муддао бўлур эди.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

---

## ИЛҒОРЛАР РЎЙХАТИДАГИ ЧЕВАР

Дилфуза чеварликни ёшлигидан севарди. Ушбу касб таҳсилини билим юртида олди. Орзуси амалга ошганига ҳам 7 йил бўлаётир. Ўшандан буён Тошкент тикувчилик бирлашмасидан бирида ишлаб келаётир. Касбига меҳри чексиз. Шу юмуш сир-синоатини ўрганишдан сира эринмайди. Устозлари айтганини қиладию, баъзан ўз билганидан қолмайдиган одати ҳам бор. Бу, албатта, янги урф бўлган кийимларни тикиб кўриш иштиёқи зўрлигидан бўлса керак.

Янги йилнинг аввалги ойи у меҳнат қилаётган 3-цех ишчилари учун ҳам хайрли бошланди. Режалар ошириб бажарилди. Илғор тикувчилар рўйхатига Дилфуза Сотволдиева фамилияси ҳам тушди. Газетада чиқишга ҳаққи бор.

Дарвоқе, бу гапни чевар аёл — Дилфузанинг раҳбарлари айтишди.



А. ТЎРАЕВ олган сурат.

